



» Муқаддас айём



Байрамлари бисёр юртимизда яна бир муқаддас айём
– Курбон Ҳайити кенг нишонланмоқда.

Бугунги пандемия шароитида дунёнинг барча мусулмон давлатлари қатори юртимизда ҳам гарчи оммавий тадбирлар масжидларда ибодат қилишнинг иложи бўлмаса-да, қалби эзгуликка эш, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик тамойилларига уйғун хайр-саховати ҳар қадамда кўзга ташланиб турибди. Ҳар қандай вазиятда ҳам оқилона иш тутишга одатланган маънавий-маърифатли, маданиятли халқимиз масофадан туриб бўлса-да меҳр-оқибат кўрсатишга интиломоқда. Эътиборга муҳтож, камҳарж оилалардан мурувватини аямалпти.

Энг муҳими, тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган жамиятимиз тараққиёти, ҳар томонлама ривожланиш жараёнлари мўътадил давом этмоқда. Боиси, халқимиз, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжихатликда ягона оила бўлиб меҳнат қилиш, Ватан равнақиға ҳисса қўшиш мақсадида яшамокда.

Қолаверса, табиатан инсонпарвар, саховатпеша, диний ва дунёвий илмларни чўқур эгаллаган юксак салоҳият эгалари бўлган аллома аждодларимиздан мерос мустаҳкам эътиқодимиз туфайли жаҳон аҳлининг эътиборига сазоворлик қалбимизни эзгу туйғуларга ошно этган.

Янгиланаётган, Учинчи Ренессанс пойдеворини қураётган замондошларимиз мамлакатимизда ислом маънавияти ривожига улкан эътибор қаратилаётгани, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Моътуриддин халқаро илмий тадқиқот марказлари, Ҳадис илми мактаби ва Мир Араб олий мадрасаси каби янги муассасаларнинг ташкил этилгани ва диний таълимот борасида улкан утуқларга эришилаётганидан гоёт мамнун. Қайсики, юксак тафаккури, улкан салоҳияти билан жаҳон аҳлини хайратда қолдирган аллома аждодларимиз билан фахру ифтихор этиш, келажак авлодни шундай нуфузли илм масканларида таълим-тарбия олиб, камолга етишлари учун яратилаётган шароитлардан миннатдор бўлиш саодати ҳар қандай инсон учун улғу орзудир.

Мамлакатимизда шундай эзгу орзулар рўёбига кенг йўл очилгани шубҳасиз.

Сизларни бугунги эзгулик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, улғу инсонийлик ғояларига йўғрилган Курбон Ҳайитингиз билан кутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга тинчлик, файзу барақа тилайман!

Озодбек НАЗАРБЕКОВ,
Маданият вазири

Ушбу сонда

Дўстлик алоқалари мустаҳкам- ланмоқда

3-саҳифада »



» Тарихга назар



Абу Лайс Самарқандий - улғу Фақих

Буюк аждодларимизнинг бебаҳо илмий мероси уммон тубидаги жаҳоирлар каби бемисл, бебаҳодр. Уларнинг ҳар бири дунё алломаларига сабоқ бўладиган ҳаёти ва ижоди билан машҳур. Фикҳ илми султонларидан яна бири Абу Лайс Самарқандий шундайлар сирасига кирувчи улғу аждодларимиздан саналади. Диний таълимотнинг етук вакили ҳақида қатор илмий асарлар яратилган. Исломшунос олимларимиздан Азизхўжа Иноятов, Мамадйёр Зиёдинов берган маълумотларга кўра, бу зотнинг исмлари Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим Хаттоб Самарқандий Тузий Балхий. Яна у кишини Фақих деб ҳам аташган.

Бу ном алломанинг ўз замонида бирор киши у зотга ета олмайдиган даражада буюк эканлигидан далолатдир. Имомнинг ўзи шу лақабини яхши кўрган экан. Чунки "Фақих" лақабини у кишига Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг шахсан ўзлари қўйган экан-

лар. Бу воқеа қуйидагича бўлган: Имом "Танбеҳул Ғофилин" китобини ёзиб, туғатиб, уни Пайғамбар саллоллоҳу алайҳи васалламнинг раъзаларида қўриб чиқиб, ухлаб қолганларида, Расулуллоҳ у зотнинг тушларига кириб: "Эй Фақих, ол бу китобингни", – деб хитоб қилганлар. Уйғониб, қарасалар китобдан баъзи жойлари ўчирилган экан...

Самарқандийнинг яна бир лақаблари "Имомул ҳуда" эди. Абу Мансур Моътуриддиннинг ҳам лақаблари шундай бўлган.

Фақихнинг туғилган йиллари аниқ эмас, чунки у кишининг бундай олим ҳам худди шундай ихтилофлар мавжуд. Довудий "Табақотул муфасссирин" китобларида: "Жумодул охир ойининг 11-куни сешанба кечаси 393 йилда вафот этганлар", – дейди.

» Давоми 2-саҳифада

Донолар
сузлайди...



Ўз шоғирдларида меҳнатдан завқланиш
хислатларини уйғота билган муаллим шараф-
ларга лойиқдир.

Э.Хаббард

Ўқитувчининг бутун фикри ўқув-
чиларида, ўзи сочган уруғларнинг
усишидадир.


Д.И.Менделеев

Билганларимизнинг чеки бор, бил-
маган нарсаларимизнинг эса ҳад-
чегараси йўқ.

П.Лаплас

» Шанхай хайратлари

Энг катта астрономия музейи очилди



Хитой давлати нафақат ишлаб чиқаришга креатив ёндашуви, балки рекордлари билан ҳам бизни ҳайрон қолдиришда давом этмоқда. Гузал Шанхай шаҳрида дунёдаги энг катта астрономия музейи очилди.

Кўргазма заллари, планетарий, расадхона – буларнинг барчаси 58 минг квадрат метр майдонда жойлашган. 24 метр баландликда қуёш телескопи ҳам

ўрнатилган. Бинонинг меъморчилиги ҳам ғайриоддий – унда бирорта ҳам бурчак ёки тўғри чизикни учратмайсиз. Гумбаз гўёки тўнкариб қўйилганга ўхшайди. Томда улкан юмалоқ дераза бор. Буларнинг барчаси меҳмонларга самовий жисмлар билан яхшироқ танишиш имконини беради.

“Одамлар юлдузли самони томоша қилишлари мумкин бўлган чинакам

муҳитни яратишга ҳаракат қилдик. Бинонинг учун планетарий марказига юқори аниқликдаги проекторни ўрнатдик. Унинг намоиш қилиш самарадорлиги жуда ажойиб”, – деди музей ходими Чжан Яо.

Музейда коинотга оид 120 дан ортиқ экспонатлар тўплами жамланган. Улар орасида 70 га яқин турли хил метеоритлар ҳам мавжуд.

» Давоми. Боши 1-саҳифада


Абу Лайс Самарқандий – улуғ Фақих

У кишининг оилалари ҳақида маълумот қолмаган, эҳтимол, оддий оилалардан бўлгандир.

Самарқанд – Хуросон шаҳарларидан бири. У араб тилида “Сирон” ҳам деб аталади. Бу шаҳарнинг таърифи қуйидаги сатрларда шундай ифода-ланган:

Инсонлар учун охиратда бордир жаннат,
Лекин бу дунёнинг жаннатидир Самарқанд.
(Ёқут Ҳамавий, “Мўъжамул Бўлдон”)

Дарҳақиқат, Самарқанд толиби илмларнинг “Қибласи” бўлган. У ерда бутун олимлар йиғилишган. Шунинг учун ҳам Самарқанд бошқа исломий мамлакатлардан ажралиб турган. Абу Лайс Самарқандийга ўхшаб “Самарқандий” нисбатини олган уламолар кўп бўлишган. Масалан, Ҳаким Самарқандий, Исоҳ Самарқандий, Мухаммад ибн Аҳмад Самарқандий, Мухаммад ибн Усмон Самарқандий, Мухаммад ибн Абдулжалил Самарқандий ва ҳоказолар.



Ибн Асийр айтганларидек: “Мовароуннахр ва Хуросон сомонийлар даврида ислом марказларидан саналар эди. Хукмдор ва уларнинг оиласи илм эгаларини қаттиқ ҳурмат қилишар, замон фақиҳларининг даражалари худди подшоҳлар даражалари каби эди. Мана шулар бос, Самарқанддан турли соҳаларни ўзлаштирган ҳадис, фикҳ, тафсир, лугат ва бошқа илм олимлари чиқдилар”.

Абу Лайс Самарқандий ана шундай “гуллар” ичида яшади. У зотининг, Абу Лайс Самарқандийнинг устозлари ва шогирдлари Мухаммад ибн Иброҳим Тузий, Абу Жаъфар Ҳиндавий, Қозий Халил ибн Аҳмад Сижзий, Мухаммад ибн Фазл Балхий каби уламою фузалар бўлган. Машҳур шогирдлари Луқмон ибн Ҳаким Фарғоний, Мухаммад ибн Абдурахмон Зубайрий ва Аҳмад ибн Мухаммад Абу Саҳл, Тоҳир ибн Мухаммад Ҳаддодий ва бошқалар устозларининг муносиб давомчилари эди.

Абу Лайс Самарқандийнинг замон маданиятидаги илмий даражалари фикҳ илмининг билимдони, юқорида зикр қилинганидек, олиймаком номлари, “Фақих” эди. Бу эса у кишининг замондошлари ичида ягона эканликларидан далolat беради.

Аллома ҳақида кўпгина манбаларда унинг бебаҳо заковати, чуқур маъно-мазмунга эга асарлари ҳақида меҳр билан баён этилади. Жумладан, “Усули дин” илмида: “Абу Лайс замондошлари ичида “Тавҳид”, “Мунозара” илмида энг кўзга кўринарлиси эдилар” – дейилади. Самоний айтиди-лар: “У киши Абу Ҳанифанинг асхобларидан бўлиб, “Мунозара” ва “Муҷодала” илмида танилган эдилар. Шунингдек, “Ажам” лугатларини чуқур ўзлаштирган, форс тилини яхши билар эди. Тафсилларида билинадики, асли арабча бўлмаган сўзларнинг ҳам таржимасини айтганлар. Масалан, унинг таъкидлашича, Фирдавс сўзи асли рум тилидан бўлиб, “боғлар” деган маънони англатади.

“Иброний” тилини ҳам билар, Тавротни иброний ёзувда ўқирдилар. Ўша замонда тиб илми фалсафа номи билан машҳур бўлган ва бу фаннинг илмий натижаларига ошно бўлганлар “Файласуфлар” деб аталган.

Абу Лайс ҳам шундай файласуфлар қаторида эди. Алломанинг тафсирига оид: “Тафсир ал-Қуръан”, “Баҳрул улум”, фикҳ илмига оид “Ҳизонатул фикҳ”, “Уюн ал-масоил”, “Муқаддимату Абу Лайс фи ас-солат”, “Ан-навозил”, “Таъсис ан-назоир ал-фикҳий”, “Ал-Масуут фи фуруғийл фикҳий”, “Наводирул муқайяда”, “Шарҳу жо-меъул кабир”, “Шарҳу жо-меъус сағир”, “Муқаддима фи баёнил кабоири вас сағири”, “Фатаво” каби асарлари, Мухаммад ибн Хасан Шайбонийга тегишли “Жомеъул кабир”, “Жомеъус сағир” каби китоблари, Зухд ва рақоикқа (нафс тарбияси) оид: “Танбеҳул гофилин”, “Бўстонул орифин”, “Қурротул уйун ва муфриму қалби маҳзун”, ақида илмига оид: “Усули дин”, “Баён ақидатил усул”, “Асрорул ваҳй”, “Рисолату фил маърифатил вал иймон”, “Рисолат фил ҳикм”, “Қурратун нафс фи маърифатил ар-конил хамс” каби ақида илмига оид рисола ва қўлланмалари, асарлари ҳозирги кунда ҳам илм толиблари томонидан ўрганилмоқда.

Наргиза ШАРИПОВА,

Регистрон мажмуаси гид экскурсоводи

» Фаолият



Навоийдаги хулосалар

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг “Маданият вазирлиги тизимидаги ташкилот ва муассасаларни комплекс ўрганиш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан 15 – 17 июль кунлари Навоий вилояти тизим ташкилотлари фаолияти ўрганилди.

Ушбу гуруҳга раҳбарлик қилган Маданият вазирлигининг биринчи ўринбосари Баҳодир Аҳмедов вилоятда олиб борилган ўрганиш ва таҳлил натижалари юзасидан йиғилиш ўтказди.

Унда соҳада олиб борилаётган ислохотлар, мавжуд имкониятлар ва олдидда турган вазифалар муҳокама этилиб, вилоят, туман ва шаҳар маданият бўлиmlари, маданият марказлари, таълим муассасалари, концерт-томоша фаолияти, кадрлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда ижро интиминоси билан ишлашдаги хато ва камчиликлар танқидий таҳлил қилинди.

Ҳозирда Навоий вилоятида жами 79та маданият ва санъат муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 1619 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда.

Йиғилиш давомида 5-бололар мусиқа ва санъат мактаби ўқув-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарига “хайфсан”, 6-9-бололар мусиқа ва санъат мактаблари ўқув-маърифий ишлар бўйича дирек-

тор ўринбосарларининг мазкур лавозимда ўз фаолиятини давом эттириш масаласи қайта кўриб чиқилиши белгиланди.

Шунингдек, Навбахор, “Конимех”, Учқудук, Қизилтепа туманлари ва Зарафшон шаҳар маданият бўлими ҳамда маданият маркази раҳбарларига, Навоий вилояти маданият бошқармаси бош хисобчиси, Ўзбекистон давлат филармонияси вилоят бўлими директорига “хайфсан” эълон қилиниб, вилоят маданият бошқармаси бошлиғига Нурота, Хатирчи туманлари маданият бўлими ва маданият маркази директорларининг ўз вазифасида қолиш ёки қолмаслик масаласини кўриб чиқиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассис, таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бош мутахассис, “Ўзбекконцерт” давлат муассасаси вилоят бўлими раҳбарига оғохлантириш берилди.

Шу билан бирга вилоят филармония бўлими фаолиятини такомиллаштириш, ходимлар билан ишлаш тузилмасини ўзгартириш, мазмунли концерт дастурларини тайёрлаш ва уларни кенг оммага тақдим этиш, хусусан, пуллик хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш масалалари ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Муҳокама якунида, 7 кун муддатда жорий йил давомида Навоий вилоятининг барча туман ва шаҳарларида театр спектакллари намоишини ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар дастури ҳамда унга вилоят мақомчилар ансамбллари-ни жалб этиш режасини ишлаб чиқиш бўйича зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ўрганиш ва таҳлил давомида фаолият қоникарили деб топилган вилоят кўзи оғир кутубхонасига вилоят маданият бошқармаси томонидан 1 дона компьютер жамламаси совға қилиниши белги-лаб қўйилди.

» Оғоҳ бўлинг, Ковид-19

Эшик қоқмай келган бало...

Бундан бир неча ой аввал Қосимнинг кайфияти кўтаринки эди. Ўғли билан қизи бир бўлиб оталарига автоулов – “Нексия” олиб беришди. Умр бўйи давлат ишида ишлаб, оилак маошга қаноат қилиб яшаган ота-она фарзандларининг оқибатидан бошлари кўкка етгудек бўлишди.

– Ана хотин, сен доим “Ўғлимиз бир мегажинини ортидан кетиб қолди” деб йилларинг! Унутмабди-ку, бизларни. Ҳа, энди ўзидан 10 ёш катта бўлса бўлибдида келининг. Кўй энди хафа бўлаверма... Юр ундан кўра айлантриб келай...

Аноранинг мижджаларига ёш куюлди. Ич-ичидан хўрсиниб отилиб чиқди. Гўё уни йиллик соғинч, алам вужудда қайта тугён ургандек бўлди. Шундан кейин йил-лаб қорасини кўрсатмай кетган ўғил тез-тез келадиган бўлиб қолди. Ёлғизининг дардида қуйиб-ёнган юраклар оз бўлсада таскин топгандек эди. Аслида ўғлининг ниёти шунча йиллик сарсонлиқдан кейин ота уйига қайтиш, уни ўз номига ўтказиб олиш эди. Вақтида ота-онанинг юз-ни ерга қаратиб, хотини ортидан кетиб қолган ўғли касрига ёлғизгина қизлари ҳам бахти бойланиб, ота-онасига андармон яшайётганига ҳам анча йиллар ўтди.

Аваллига уларни кўзи қиймади, кейин эса вақт ўз кучини кўрсатди. Захронинг ишонгани, бу ёрғу дунёдаги суянганлари ота-онаси эди.

У доимо ота-онасига “Мен борман, кўп қуюнаверманлар” дея таскин берадир... Мўъжазгина ҳовли унинг меҳр-оқибати, беғубор кулгулари билан файзли эди. Аммо бу кемтик бахтга ҳам кўз тегибди.

Қосим уларни хурсанд қилиш учун тез-тез турли бахоналар билан дам олишларга, сайру саёхатларга олиб чиқарди. Анора ҳам, Захро ҳам аёллигига борибми, кўпроқ бозор айланлишлари хуш кўришар, синов-ли кулларнинг хатари ҳақида ўйлашга гўё вақтлари бўлмасди. Карантин кулларига нибоб тақийш, масофа сақлаш кераклиги баъзан ёдидан ҳам чиқиб қолар ёки ёдда бўлса ҳам, атрофдаги айрим лоқайд кимсалар каби кўпчилик орасига бемалол кириш, масофага амал қилмасликка ўрганиб қолган эди...

Шундай кунларнинг бирида бозордан терлаб-пишиб келган Анора музлаткичдан салқингина шарбатни олиб ичди. Бироздан сўнг ҳарорати кўтарилиб, йўтал тутди. Захро ҳар қанча ҳаракат қилмасин, йўтал забтига олар, тажрибали ҳамшира

сифатида онасига ҳеч қандай ёрдам беролмаётганидан афсусда эди. “Ахир шу шарбатни мен ҳам ичдим-ку” дея зорлар-нардн Захро.

3-4 кун ўзи билган муолажаларни қўллаб кўрса ҳам, ахвол ўзгармагач уйга тез ёрдам қақаришга мажбур бўлишди. Тест натижаларига кўра ҳар учаласида ҳам ковид аталмиш вируснинг борлиги аниқланди!

Бир муддат даволанган ота билан қиз тўзалиб чиқди, аммо Аноранинг ахволи ҳеч ўнганмади. Унинг йиллар давомидаги қалб огриги юрак етишмовчилигини келтириб чиқарган, ўз ҳолича даволанишлар фойда бермаган эди... Бу ковид деганлари кўпроқ инсон вужуддаги энг заиф нуқталарга жойлашиб олиб, аста-аста нафас йўллари фалажлаб қўяр экан. Анора ҳаётининг сўнгги дақиқалари қолганини бутун вужуд билан ҳис этди. У атрофда парвона бўлаётган нажоткорлардан ҳам умид йўқлигини тушуниди ва теле-фонига аранг эшитиладиган овозли хабар қолдириб: Азизларим, мени кечиринлар, ўзингизни, бир-бирингизни асранг, эҳтиёт қилинг! Афсуус, яшагим келпти!!!

Сайёра РИХСИЕВА

» Тақдимот

Янги
кутубхона
очилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 сентябрда қабул қилинган "Ногиронлиги бўлган шахсларга ахборот-кутубхона кўрсатиш тизими янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорида 250 нафар кўзи оғир фуқаролар истиқомат қиладиган шаҳар ва туманларда кутубхоналар ташкил этилиши белгиланган.

Шу муносабат билан 19 июль куни Самарқанд туманида янги кўзи оғирлар кутубхонаси очилди. Кутубхона брайль ёзувидаги адабиётлар, босма, гапирувчи ва аудио

китеблар билан таъминланди. Ҳамда вилоят кўзи оғирлар кутубхонаси қошида ташкил этилган махсус босма-хонанинг икки номдаги "Ибратли ҳикоятлар" ва "Қалб кўзи" китеблари тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ногиронлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлар кўзи оғирлар орасида китеб ўқиш маданиятини шакллантириб, китебхоналар сонини кўпайтиришга хизмат қилади деган умиддамиз.

М.ОМОНОВА, Самарқанд вилоят кўзи оғирлар кутубхонаси бўлим mudiri

» Йўл дафтаридан

Юртимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданок мамлакатимизда ҳар томонлама пухта ўйланган самарали сиёсат олиб борилди. Айниқса, сўнгги 4-5 йил ичидagi ўзгаришлар, янгича дунёқараш билан ташланаётган дадил қадамлар ташқи сиёсатимизда ҳам ўзига хос саҳифалар очилишига асос бўлмоқда. Албатта, бундай эзгу мақсадлар замирида халқимизнинг қўп асрлик тарихи, маданияти, урф-одатлари ва орзу ҳаваслари жамланган.

Дўстлик алоқалари мустаҳкамланмоқда



Жумладан, бугун Ўзбекистон-Туркия ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликлар янада кенг қамровда кечмоқда. Айтиб ўтиш жоиз, Туркия дунёдаги 200 дан зиёд мамлакатлар ичидa Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган. Эндиликда ўзбек ва турк халқлари орасидаги дўстлик ришталари мустаҳкамланиб, борган сари улкан дарахтга айланимоқда.

Санъат ва маданият азалдан инсонлар қалбига яхшилик уруғини қадаб, доимо эзгу мақсадлар томон бошлаб келган. Ҳар бир халқнинг маданияти ва санъати нафақат ўз тарихи ва бугунидан сўз очади, балки уни бошқа эллар билан беголовчи кўприк вазифасини ҳам ўтайди. Охириги йилларда ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги маданий, дўстлик ва ижодий алоқалар ҳам борган сари мустаҳкамланмоқда. Маданият соҳасининг турли йўналишларида амалга оширилаётган фестивал, танлов ва форумлар, кўргазмалар, тадбирлар сўзимиш ибтидоидир. Улардан бири жорий йилнинг 1 – 17 июль кунлари Туркия давлати Маданият ва туризм вазирлиги, Туркия давлат театрлари ташаббуси билан Тразбон шаҳрида ўтказилган XXI "Қора денгиз" халқаро театрлар фестивалидир. Ҳар йили дунёнинг турли давлатлари театр ижодкорлари иштирок этадиган мазкур тадбирда Ўзбекистондан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театри жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қўллаб-қувватлаши билан муваффақиятли қатнашиб кайтиди.

Таниқли санъат усталари, талант-ли ёш актёрлар, тажрибали театр мутахассисларидан иборат Қорақалпоғистон делегацияси 1 июль куни Нукус халқаро аэропортидан пойтахтга келиб, И.Каримов номидаги Ташкент халқаро аэропортидан Туркия давлатига қараб учинди. Самолёт 2 июль куни Туркия аэропортига келиб қўнди.

Шу кунгек Тразбон шаҳрига бориб, "Zorlu Grand Hotel" меҳмонхонасига жойлашди. Бизни турк давлат театрлари бош директори Мустафа Кўрт ва бошқалар илик кутиб олишди. Уша кун мезбонлар билан турк ва қорақалпоқ

театр санъати, олдиндаги режалар, ижодий ҳамкорлик бўйича ўзаро фикр алмашиб, яқиндан танишдик.

Тразбон Туркия шимолий-шарқидa, Қора денгиз бўйида жойлашган чиройли, гўзал табиати билан ҳаммани ўзига мафтун этган шаҳарлардан бири. Милoddan аввалги 600 йилларда қурилган бу шаҳар ўзига хос маданияти билан кишилар диққатини тортган. Юзидан ҳамиша табассум аримайдиган Қора денгиз халқи ҳушмуомалилиги, меҳмондўстлиги билан бизни ҳам ўзига жалб қилди. Бу шаҳар яна туркияликлар севиб истеъмол қиладиган "хамси" балигининг ватани экан. Ушбу махсус ерли аҳоли дастурхони туридан ўрин олган. Бу таомдан тотиб кўриш бизга ҳам насиб этди.

Мазкур фестивалда бугунги кунга қадар дунёнинг турли давлатларидан 115 мингдан ортиқ театрлар қатнашган. Иштирокчи мамлакатлар, театрлар ва томошабинлар сонининг йилдан-йилга ортиб бориши ўтказиб келинаётган тадбирнинг аҳамияти юқорилигидан дарак беради. Шунингдек, фестиваль доирасида ўтказилган турли тадбирлар, учрашув ва маҳорат дарслари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Жорий йил мазкур фестивалда Туркия давлатининг Тразбон, Анкара, Коня, Бурса каби шаҳарлар театрлари ўзларининг энг сара асарлари билан қатнашди.

Туркия театр санъати узоқ тарихга эга. Халқ ижодиётининг дастурий кўринишлари бўлган кўйгирчоқ театри билан майдон томошалари профессионал турк театрига асос солган. Вақт ўтиб турк ёзувчилари ҳам пьесаларга қўл уришган. Таниқли ижодкорлардан бирининг "Шоирнинг уйланиши" номи комедияси турк театри ҳаётида катта бурилиш ясади. 1908 йилдан кейин профессионал ва ҳаваскорлик театрлари ташкил этила бошланди. Истанбул, Измир, Бурса, Адана ва Анкара

шаҳарларида театр бинолари қурилди.

1914 йили Истанбулда "Дорулбадияи Усмония" номи театр очилди. У турк театр санъатининг ривожланишига катта туртки бўлди. 1927 йили ушбу театрга раҳбарлик қилган Мухсин Эртуғрул биринчи болалар театрини ҳам ташкил этди. 1949 йилда қад рўстлаган давлат театрининг Анкара, Истанбул, Измир, Бурса шаҳарларида доимий 18 та сахнаси бор бўлиб, йилига 100 та яқин бадиий асарлар сахналаштирилади. Туркияда 1951 йил "Кичик сахна" номи биринчи шахсий театр очилди. Кейин "Чийир сахна", "Киссе театри", "Муаммар Карача", "Истанбул опереттаси" каби шахсий театрлар иш бошлади. 1982 йилдан эътиборан Истанбулда "Ходи Чаман Йедитепа ўйинчилари", "Энис Фосфоройли" театри, "Хўдрий Майдон" маданият маркази ва Анкарада "Анкара санъат" театри иш йўлга қўйилди. Бугунги кунда ҳам Туркияда қўллаб-қувватланаётган театрлар фаолият юритмоқда.

Ижодий жамоамиз билан фестивалнинг илк куни Анкара давлат театр жамоасининг "Бизнинг Юнус" номи моно спектаклини ва Қора денгиз бўйида жойлашган очик сахнада Тразбон давлат театри жамоасининг "Кўрқит ота" спектаклини томоша қилдик. Турк актёрлари ва режиссёрларининг маҳорати бизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, "Бизнинг Юнус" спектаклида битта актёрнинг ўзи ички кечирмаларни чеварлик билан кўрсатиб, намойиш давомидa бутун зални ушлаб туриши катта ютуқасида.

Биз ҳам тўйга қуриқ қўл қалдик. Бизнинг таъкидлашганимизга кўра, Туркияда театр репертуаридан танлаб олинган Ч.Айтматовнинг "Жамали" спектакли намойиш этдик. Асарини ёш, талантли режиссёр Маркабай Усенов сахналаштирган. Икки кун давомида Тразбон театрида қўйган спектаклимиз барчанинг кўнгилдан жой олди.

Шу кунлари зал томошабинларга тўлди. Ҳар бир сахна кўринишидан сўнг томошабинлар тинимсиз қарсақлар қалиб, қўллаб-қувватлаб туришди. Ча, сахна қаерда бўлмасин – муқаддас жой. Айниқса, бош қаҳрамонлар Жамила билан Дониёр ролларини театрининг ёш, талантли актёрлари Мийригул Мамбетмуратова ва Азиз Назаримбетовлар бор маҳоратларини ишга солиб ижро этишди. Сейит билан Оспан родини ўйнаган Дастан Баймурзаев ва Айдо Муратбаевлар ҳам томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.



Спектаклдан сўнг Ўзбекистон халқ артисти Мирзагул Сапаева ижросидаги халқ қўшиқлари ҳаммада қорақалпоқ санъатига меҳр уйғотди. Кейин Турк давлат театрлари бош директори Мустафа Кўрт томонидан бизга фестивалда юқори даражада қатнашганимиз учун махсус диплом ва "Қора денгиз" XXI халқаро театрлар фестивали нишони, Тразбон шаҳрининг альбом китеблари топширилди. Ушбу рағбат ижодкорларимизга ўзига хос илҳом бағишлади. Биз ҳам ўз навбатида қорақалпоқ миллий кийимлари ва китебларимизни уларга совға қилдик.

Сўнгра бизни Тразбон шаҳридаги тарихий жойларни айланишга тақлиф этишди. Туркия давлати Маданият ва туризм вазирлиги томонидан маданий мерос объектлари билан танишиш учун саёҳат ташкил қилинди.

Тразбон Анадоли турклари, яъни 1461 йили Фотиҳ Султон Мехмет томонидан босиб олинган энг сўнгги макон экан. У ерда қад рўстлаган тарихий обидалардан бири бугунги кунда музейга айлантирилган Аё София черковидир. У маҳаллий тилда Тразбон Аё Софияси ҳам дейиларкан. Ушбу тарихий обида Византия пойтахти Истанбулнинг 1204 йили лотинлар томонидан босиб олинган натижасида Тразбонга қочиб келган Мануэл I томонидан қурилган. Кейин-

чалик Фотиҳ Султон Мехмет Тразбон Аё Софиясидан черков сифатида фойдаланишга рухсат берган. Ҳозирда у музей сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Тразбоннинг туристларни ўзига жалб этадиган ёдгорликларидан яна бири Сулемадаги Марьям она монастыридир. У Маҷка туманининг Зигана тоғида жойлашган бўлиб, узунлиги 1200 метр. Атрофини ўраб турган тоғнинг кўриниши эса одамни сирли оламга чорлайди.

Ривоятларга кўра, Грецияда икки-та руҳоний бирдек туш кўради. Ик-



каловиға ҳам Марьям она билан Исо пайғамбарнинг расми кўринади. Улар бу расмни Тразбонда деб ўйлаб, Грециядан йўлга отланишади. Бир-биридан беҳабар икки та руҳоний Сулемада учрашиб қолиб, тушларини бир-бирига айтиб беришади. Сўнгра улар шу ерда монастырь қуришади. Ундан 1923 йилга қадар монастырь сифатида фойдаланишган. Ҳозирда музейга айланиб, маҳаллий ва хорижий туристларга хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, ҳар юртининг ўзига хос урф-одатлари, бой маданий мероси бор. Биз ҳам Тразбонга бўлган таширфимиз давомидa турк халқи маданияти, санъати, тарихи, ижодий дунёси билан яқиндан танишишга ҳаракат қилдик. Шу билан бирга қорақалпоқ миллий санъати ва маданиятини ҳам кўрсатишга муяссар бўлдик. Туркиялик қондошлар билан "Нукусда кўришгунча" дея хайрлашиб, Тразбонга бўлган ижодий сафаримизни яқунладик.

7 июль куни Нукусга етиб келдик. Ушбу таширф бизга катта маънавий озуқа бериб, янгидан-янги ташаббусларни бошлашга туртки бўлди. Эндиликда Туркия ва Қорақалпоғистон театр санъати ижодкорларининг биргаликда ишлашига кент йўл очилди.

Қалбай ТУРДИЕВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
Маданият вазири



» тарихий манзил

Ислом олами рўйхатидан жой олди



» Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигига

Қашқадарё воҳаси қадимдан улуг инсонларга бешиқ бўлган кўҳна заминдир. Жаҳон ва Шарқ шеърини устунларидан Мирзо Бедил, Хисрав Деҳлавий, Мирзо Ғолибнинг ота-боболари ҳам шу диёр фарзандлари. Спитамен, Широқ, Тўмарис, Муқанналар ҳам Қашқадарё ўлкасига бегона эмас. Марвада араб босқинчиларига қарши миллий озодлик курашини бошлаган Муқаннанинг асосий таянчи ва қароргоҳи Насаф шаҳри бўлган. Кейин у Яккабоғ тоғларида курашнинг давом эттириб, Ватан озодлиги учун ўша ерда жонини фидо этган. Соҳибқирон Амир Темурнинг киндик қони томиб, уни воёга етказган, курашга отлантириб, илк зафарлар келтирган ҳам Қашқадарё воҳасидир.

Ўзбек шеърининг ёрқин юлдузи

XX асрнинг 60 йилларида Ўзбек шеърининг митти юлдузи бўлиб қирган ва умрбод порлаб қолган Абдулла Ориповнинг шу юртда таваллуд тоғини тасодиф эмас. Бундай заминда дунёга келган ҳар бир инсоннинг қонида сўзга ошғуналик тугма ва табиийдек туюлади. 50 йиллар охири – 60 йиллар бошида қишлоқларда на телевизор, на кўнгилоҳар бирор маскан, истироҳат боғи бор эди. Биз ўспирин болалар фақат китоб, газета ва журналлар ўқир ёки майдоннинг чангини чиқариб тўп тепардик. Абдулла аканинг “Тулҳан”, “Шарқ юлдузи” журналларида чиққан шеърларини ўспиринлик йилларида ўқиганмиз.

Мен ҳам ёшлигимда ижодга, журналистикага қизиқардим, мактабда ўқиб юрганимда, туманимиз газетасида мунтазам чиқиб турардим. 1966 йил мактабни тамомлаб, журналистика факультетига ўқишга кириолмадим. Ўша йилги ҳам ўқинчи, ҳам ўн биринчи синф ўқувчилари мактабни битиришди. Ўқишга киришни хоҳлаганлар сони икки баробарга кўпайди. Бунинг устига, Тошкентдаги олий ўқув юрларига зилзила тўғайли қабул квотаси кўпаймади. Хуллас, ўқишга кириолмаган, ёзганларимни кўтариб “Қашқадарё ҳақиқати” вилоят газетаси тахририятига бордим. Газета редактори, салоҳиятли ижодкор Йўлдош Умаров мен билан суҳбатлашиб, корректорликка ишга қабул қилди. Кейинчалик таниқли шоирга айланган Исмоил Тўхтамишев ҳам ўқишга кириолмасдан корректорликка ишга олинди. Бирга ишладик. Ўша йили Абдулла ака билан тахририятда танишганман. У киши ота юртга келганида, албатта, тахририятга кирарди. Бу ерда унинг бирга ўқиган дўстлари кўп экан. Самад Қодиров, Рўзжон Нурматов, Сувон Сокиев, Абди Пардаев, Темур ва Баҳром Шоқуллов каби кўзга кўринган журналистлар билан шоирнинг ҳар талги суҳбатлари ҳавас қиладиган даражада самимий ўтарди. Эсимда, Абдулла ака Исмоил иккаламизга юзланиб: “Укаларим, корректор – газетанинг юзи, ойнаси. Сизлар масъулиятли жойда ишлагансизлар, бўлғуси журналист корректорликда тобланиди”, деганди. Ўша гаплар, ёшгина Абдулла аканинг самимийлиги ҳамон кўлғимда. Исмоил бир йилдан кейин журналистикага ўқишга кирди. Абдул-

ла аканинг содиқ шоғирдига айланди. Мен эса бошқа йўналишдан кетдим.

“СИЗ АЛЛАҚАЧОН ДЕПУТАТСИЗ”

1994 йил Китоб тумани ҳокими вазифасида ишлардим. Абдулла ака жияни, менинг эски қадрлигим Абдурахим Эркаев билан ишхонамга кириб келди. Салом-алиқдан сўнг унинг номзоди Китоб ва Чироқчи туманларидан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига кўрсатилганини айтди. Биз хурсанд бўлиб, “Сиз аллақачон депутатсиз”, дедик.

Шеърхонлик бошланиб кетди. Учрашув тўрт соатлар давом этди. Ҳеч қим турмай, уйга бораёй демайди. Охири ҳамма қувонч билан тарқалди. Сайловда Абдулла Орипов катта устунлик билан ғолиб бўлди. Илгари ҳам у халқнинг қалбидан жой олганини яхши билардим. Аммо учрашув кунни буни бутун вужудим ва қалбим билан ҳис қилдим. Ўшанда мен ҳам 226-Китоб сайлов округидан Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайландим. Абдулла ака иккимиз яна бир машҳур юртдошимиз, атоқли олим, академик Асқар Холмуродов бошқарган илм-фан, маданият ва спорт қўмитасига аъзо бўлиб, фаолият кўрсатдик. Ўша йиллари устоз билан дастлабки депутатлик йилларимиз Қарши шаҳрининг ёши 2700 йилга тенглигини расмий қарор билан тасдиқлаш ва нишонлаш учун республика ҳукумати Халқаро ЮНЕСКО ташкилотига таклиф юбориш лозимлиги тўғрисида ташаббус билан чиқдик. Қарши шаҳрининг ёши тан олинди, ЮНЕСКО тadbирларига шаҳар тўйини ўтказиш киритилди.

ШОИРГА СОВҒА ҚИЛИНГАН ОТ

Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигига қизгин тайёргарлик бошлаб юборилди. Шаҳарга Амир Темур ордени берилди (бу вақтда мен Қашқадарё вилояти ҳокими эдим), ҳайкали ўрнатилди. Қадимий шаҳарнинг тарихий, маданий обидаларини таъмирлаш, зарурларини реставрация қилиш, авайлаб-асраш, келажак авлодга етказишдек масъулиятни чуқурроқ ҳис этишда Абдулла Ориповнинг фикрлари, шеърлари ва асарлари ҳаммамизга катта ёрдам берди. У кишининг Темур ҳақидаги гапларини эшитсанг, шеърларини, асарларини ўқисанг, Соҳибқирон қиёфаси, салоҳияти, микёси қалбнинг тубида, ҳаёлингда жонланади. Унинг сиймосини, образини, салобати ва улувдорлигини аниқ сезсан, қалбинга қандайдир титроқ кирарди, ҳаёлинг ўтмишда, буюк Темур дарида кеча бошлайди.

Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги Абдулла аканинг фаол иштирокида нишонланди. Абдулла Орипов ўша йиллари “Соҳибқирон” драматик достонини яратди. Муллатўйчи Тошмуҳаммедов номли вилоят театрида сахналаштирилган асар премьерасида томошабинлар театр залига сиймай қолди. Премьерига марказдан ҳам кўпчилик келди.

Ташкилий қўмита аъзоси темуршунос олим, академик Бўрибой Аҳмедов бошчилигида бир гуруҳ олимлар, адаблар залда ҳозир бўлишди. Премьера кўнгилдагидек юксак даражада ўтди, кейин унинг муҳокамаси бўлди. Сахналаштирилган режиссёр Абдурахмон

Абдуназаровга, артистлар “манзили” та моҳирона ижролари учун мактовлар янгради. Абдулла ака уларга алоҳида раҳмат айтди. Томошага келганларни, меҳмонларни спектаклдан кейин театр олдидagi майдонда ҳеч қим ўйламаган “сюрприз” кутаётган эди. Тарихий маълумотларга кўра, Ҳусайн Бойқаронинг даҳо дўсти Алишер Навоий “Хамса” асарини ёзиб, бир нусхасини унга сафардан қайтаётганда пешвоз чиқиб тақдим этгани. Ҳусайн Бойқаро отидан тушиб, Алишер Навоийни ўз отига миндиради ва бутун Хиротни ўзи жилводор бўлиб айлантиради. Биз ҳам узок вақтлар кўнглимизга турб қўйган Абдулла акага, оқ, бўз от соғиб қилиш ниятимизни ўша кунни амалга оширишга жазм этдик.

Театр олдидagi майдон одамлар билан тўлиб кетди. Байрамона безатилган оқ отга Абдулла акани кўтариб миндириб қўйдик. Йигилганлар шунчалик хурсанд бўлишдики, майдонни олқишлар, қарсақлар тўтиб кетди. Бу ишда ҳеч қанақа расмиятичилик, юқоридагиларнинг топиригини бажариш деган нарсаси йўқ эди. Бу Қашқадарё халқининг ўз фарзандига бўлган самимий меҳри ва хурмати ифодаси эди.

ХАВОТИР

Мен вилоят ҳокимлигидан кетгач ҳам Абдулла ака билан алоқамиз узилмади. Байрамларда бир-биримизни табриклаб, ҳол-аҳвол сўраб турдик. 2001 йил Абдулла аканинг 60 йиллик таваллуд кенг нишонланди. Минг афсуски, вилоятимизда ўтказилган ўнлаб тадбирлар, учрашувларга мен таклиф этилмадим. Шунда табрик хатини йўллашга қарор қилдим. Унда жумладан, куйидаги мисралар бор эди: “Абдулла ака, сизни чин дилимдан табриклайман. Сизга фақат соғлиқ ва баракали ижод тилайман. Юртдошларингиз миндириган от ҳеч қачон қоқилмасин, тўқнамасин”. Қунарлардан бир кун Кибрайдаги шоир ховлисига ҳол-аҳвол сўрагани борсам, Абдулла аканинг кайфияти йўқ. Нимадандир хафа. Бир пилла чой ичгандан кейин ўзи гап бошлади: “Мени табриклаб ёзган хатингизда билдирилган хавотирда жон бордек. Миндириган отингиз ҳақиқатан ҳам қоқилаётганга ўхшайди”.

Ҳа, улуг зотнинг кейинги йил-

ушбу рўйхатга Бухоро вилоятида жойлашган Исмоил Сомоний мақбараси, Чор Бақр, Баҳроуддин Нақибанд, Пойкент, Пойи-Калон мажмуалари, Магоки-Атторий масжиди ҳамда Тошсарой мадрасаси каби тарихий ёдгорликлар кўрсатилди.

Тавсия этилган объектлар Қўмитанинг махсус тузилган комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, бир овоздан тасдиқланди.

Йигилиш якунига кўра, Ислом олами меросининг охири ҳамда тасдиқланмаган рўйхати шакллантирилиб, Ўзбекистон томонидан тақдим этилган барча объектлар ундан ўрин олди.



лардаги ҳаёти силлиқ кечмади... Бошидан ўтаётган воқеалар дардини оғирлаштирди. Лекин Абдулла Орипов доимо инсонларнинг қувончу ташвишлари билан яшади. Халқ ҳам унга меҳр-муҳаббат ва чексиз ардоқ ила жавоб қайтарди. Оқил, халқларвар устоз оғир дардга чалиниб, даво истаб Америкага, қизи яшаётган мамлакатга боришга мажбур бўлди. Оғир изтироблар юкидан халос бўлолмаган Абдулла ака ўша юртда вафот эди.

Ҳар давлатнинг ўз қонун-қондалари, қатъий санитар талаблари бор. АҚШда вафот этганларнинг деярли барчаси ўша ерда дафн этилади. Фақат баъзи бир улуг шахслар ёки давлат арбобларининг жасадлари расмий дипломатик уринишлар орқали мамлакатга қайтарилади. Ушанда ҳам ё махсус чартер рейси ташкил қилиниши ёки бошқа мамлакатларда қўниб ўтмайдиغان тўғри авиарейс бўлиши лозим. Бахтга қарши, шоир Хўстонда – Техас штатида вафот этган. Хўстон ва Ўзбекистон ўртасида тўғри авиарейс йўқ. АҚШда таштатлар бир-бирдан мустақил, қонунлари фарқ қилади. Жасадни бир штатдан бошқасига олиб ўтиш жуда кўп қелишувлари талаб этади. Хуллас, чигал вазият вужудга келган. Ўзбек халқининг яна бир даҳоси қабри чет элда қолиб кетиш хавфи туғилган.

Ушанда давлат раҳбарининг қатъияти, саъй-ҳаракатларисиз натижа қандай бўлиши мумкинлигини ҳеч қим айтолмайди. Абдулла аканинг жасади юртига қайтарилиши Ўзбекистон учун ўзига хос синов эди. Синовдан муваффақиятли ўтди. Халқ бу борада раҳбариятдан рози бўлди.

Бутун Ўзбекистон ҳақиқатан янгиланди. Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева, Абдулла Ориповлар номи абадиётга муҳрланди. Уларга Адиблар хибонаида ҳайкаллар ўрнатилиб, номида ижод мактаблари ташкил этилди.

Бугунги Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда Ўзбек халқи, ёшлари учун Абдулла Орипов ижоди сафарбар этувчи, олдинга – юксак марраларга чорловчи омил бўлиб қолаверади. Шоирнинг номи халқимиз хотирасида, токи ўзбек тили ва адабиёти бор экан, мангу яшайверади.

Озод ПАРМОНОВ



Устоз ёди

Унутилмас
сиймолар

Миллий мусика санъатимиз Ўзбекистон халқ артисти, хонанда Комилжон Отаниёзов ижоди, унинг бетакор қўшиқлари билан чамбарчас боғлиқ. У киши 1917 йил 20 июль куни Хоразм вилояти Шовот туманидаги Бўйрачи қишлоғида таваллуд топган.

Устоз санъаткор дoston йўлларини Бола бахши Абдуллаевдан, Хоразм мақомларини Матпано Худойбергандондан ўрганган.

Хоразм театрларида хонанда ва актёр си-

фатида ишлаб, кўплаб спектакллarda Фарход, Тоҳир, Парфи хофиз, Қодир, Даврон ота каби образлар яратган.

30-йиллардан мураккаб халқ ашуларини, дostonлардан қўшиқлар айта бошлаган. Хоразм сувори ва мақомлари Комилжон Отаниёзов ижрочилик фаолиятининг юқори босқичи бўлди. У Хоразм дoston қўшиқ(нома)лари асосида янгича услуб яратган. Бастакор сифатида "Салом сента Хоразмдан", "Муборак", "Ва-

тан", "Олқиш", "Темир йўл", "Ўзбекистон", "Хоразм" каби қўшиқлари ўзининг оммабоплиги ва халқчилиги билан ажралиб туради.

Устоз санъаткорнинг ижоди, у яратган ижодий мактаб ҳамон хонандalar, мусиқашунослар томонидан пухта ўрганилмокда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизда устоз санъаткор, "Буюк хизматлари учун" ордени соҳиби Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланди.

Мардлик ва жасурлик тимсоли

Халқ
қахрамонлик
дostonи

"Алпомиш" – дунё эстетик тафаккури тарихида камдан-кам учрайдиган фавқуллода ва ноёб бадий ҳодисалардан биридир. Унинг фавқуллода ва ноёблиги шундаки, қадимиятда яратилган бу улкан эпос бахшилар томонидан асрлар давомида қуйлиниб, жонли эпик аъёнalarда оғзаки равишда бизгача етиб келди. Шунинг учун ҳам у бутунги кунда қадимиятнинг буюк бир эҳсони, ўзи яратилган даврнинг умумий дунёқараши, айни пайтда жонли аъёнalarнинг ижод ва ижро шароитларида халқ оммаси руҳининг объектив ҳолатини даврлараро ифодалаб, мазмун ва шакл жиҳатидан гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, кўплаб вариантларда ва хилма хил кўринишларда ажодлардан авлодларга етиб келган адабий ёдгорлик, тарихий воқеаларнинг афсоналар қобигига ўралган ўзига хос бадий ифодаси, буюк эпос сифатида баҳоланади.

Дoston кўнгирот уруғи бошқилари – ака-ука Бойбўри ва Бойсариннинг фарзандсизлиги тасвири билан бошланади. Унда Алпомиш, Барчин, Қандирғочларнинг бир кунда туғилиши, Барчиннинг Алпомишга бешик-херти қилиниши, Бойсариннинг Бойбўридан аразлаб ўн минг уйли элат билан қалмоқ элига кўчиши, қахрамоннинг ёрини олиб келиши учун ўзта мамлакатга сафар, Қорахон билан дўст тутилиши, Барчин шартларини бажариши ҳамда ёри билан ўз юртига қайтиши, кейин яна етти йил тутқунликда қолиши, зиндондан оти Бойчибор ёрдамида қутулиб, ўз элига умр йўлдоши Барчиннинг зўравон Ултонтоз билан бўлаётган мажбурий тўйи устига келиши ҳам рақибини енгиб, мурод-мақсадига эришиши воқеалари жуда қизиқарили, эпосга хос ранг-баранг бадий бўёқларда тасвирланган. Асарда Алпомиш ва Қорахон, Қултой ва Ёдгорларнинг ўзаро муносабатлари, ҳатто қахрамоннинг оти Бойчибор ҳамда энчи ҳарвона туя билан муносабати тасвирида жамият тараққиётининг дostonда тасвирланган босқичига хос олижаноб соддалик, улугвор вазминлик, патриархал инсонийлик, болаларча бегубор самимийлик гоёат гўзал мужассамлаштирилган. Унда Ўзбек халқи шеърӣ даҳосининг буюк қудрати тўлалигича намоён бўлган. "Алпомиш"нинг словак тилида насрий баён, рус тилида бадий таржимаси нашр этилган. Ундan парчалар инглиз тилида эълон қилинган. Дoston турк тилига ҳам таржима қилинди.

"Алпомиш" дostonи бундан минг йил олдин туркий халқларнинг қадимий дostonчилик аъёнalarни асосида халқ оғзаки ижоди намунаси сифатида яхлит дoston шаклини олган бўлса-да, аслида энг қадимий қатламлари миллоддан аввалги юз йилликларда юртимизда кечган жараёнларнинг бадий талқинини ўзида акс эттирган. Кўнгирот қабиласининг турли ҳудудларга селишиши ва янгидан шаклланаётган халқлар таркибига кириб бориши натижасида дoston бошқа уруғ ва элатларга ҳам ўтиб, уларнинг

эпик аъёнalarни асосида қайта ишлана бориб, жуда кенг тарқалди ва нияҳат яратилишида ота-боболари иштирок этган ҳар бир халқнинг ўз эпосига айлан-ди. "Алпомиш" дostonининг оғзаки эпик аъёнalarда бизгача етиб келган нусхалари 9 – 10 асрларда яратилган. Аммо бундай ҳулоса дostonга асос бўлган сюжет ва етакчи мотивларнинг мифологик ва тарихий-ҳаётӣ илдизлари қадимий даврларга – миллоддан аввалги замонларга тақалишини инкор этмайди.

Туркий халқлар орасида кенг тарқалган "Алпомиш"нинг қорақалпоқ, қозоқ, олтой версиялари дoston шаклида, татар ва бошқирд версиялари эртанг ва ривоят шаклида бизгача етиб келган. Ўзбеклар "Алпомиш", қорақалпоқлар "Алпамис", қозоқлар "Алпамис бaтир", олтойликлар "Алип-Манаш", қозон татарлари "Алпамиш", бошқирдлар "Алпамиша ва Барсин, ҳилу" деб номлаганлар. Ўзбек дostonчилиги таъсирида XX аср бошларида эртанг ва ривоятлар шаклидаги тожик вариантлари ҳам юзага келган. Ўрта аср ўғуз эпосининг муҳим ёдгорлиги ҳисобланган "Қитоби Дадам Қуўркут" таркибидаги "Бамси Байрак" асари ўзининг сюжети ва композицион қурилиши жиҳатидан "Алпомиш" дostonига яқин туради. Дoston туркий тилда эъилган бўлиб, унинг мазмун-моҳияти катта қўламини эгаллайди. Дoston бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳаққўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизни муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Дoston сюжетида исломгача бўлган қарашлар ва мифологик қатлам мавжуд. Ундаги мифологик қатлам эса қадимий турмуш тарзининг бадийлаштирилган ва идеаллаштирилган кўринишларидир. "Алпомиш" вариантлари 1922 йилдан эъил олина бошланган. Ҳозиргача Фозил Йўлдош ўғли, Маҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Бўри бахши, Бекму-

род Жўрабой ўғли, Мардонақул Авлиқул ўғли, Абдулла Нурали ўғли, Умир бахши, Ҳайдар Бойча ўғли, Раҳматулла Юсуф ўғли, Ҳодир Раҳим ўғли каби ўттиздан ортиқ дostonчилардан қирққа яқин вариантлари эъил олинган. Дoston қўлёзмаларининг асл нусхалари Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт институти фольклор архивида сақланади. Бу вариантлар орасида энг мукаммал, бадий жиҳатдан энг юксaги Фозил Йўлдош ўғлидан эъил олинган ҳисобланади.

"Алпомиш"нинг Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Пўлкан ва Эртанг Жуманбулбул ўғли, Бекмурод Жўрабой ўғли, Хушбoқ Мардонақуллов айтган вариантлари ҳам нашр этилган. "Алпомиш" дostonи қахрамонлик, мардлик, ватанпарварлик, турли элатлар ва халқларнинг биродарлиги, севги ва садоқат, оила мустаҳкамлиги ва уруғ бирлигини қуйловчи улкан эпосдир. Одил ва ҳаққўй бўлишга, ўз юртимизни, оиламиз қўрғонини қўриқлашга, дўсту ёримизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори (1998 йил 13 январь) ҳамда ЮНЕСКО нинг 1999 йилдаги тadbирлар режасига биноан Ўзбекистонда 1999 йил ноябрда "Алпомиш" дostonининг 1000 йиллиги кенг нишонланди. Сўнгги тантаналар 1999 йил 6 ноябрда Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Шу муносабат билан бу ерда халқаро илмий конференция ўтказилди, Алпомиш номидаги бoғ барпо этилди ва халқ қахрамонига ҳайкал очилди. "Алпомиш"нинг атоқли халқ бахшилари қуйлаган вариантлари қайта нашр этилди. Дoston ҳақида ҳужжатли ва бадий фильм, унинг мотивлари асосида театр спектакллари яратилган.

Х.Н.КАРИМОВ,
Республика бахшичилик санъати
маркази давлат муассасаси тарихий
экспозиция бўлими бошлиғи

Жасорат

Санъатга
фидо жон

Биринчи ўзбек раққосаси – Нурхон Йўлдошхўжа кизи 1913 йил Марғилон ўездида қарашли қишлоқлардан бирида бой оила хондониди дунёга келган. Отаси Йўлдошхўжа Салимхўжаевнинг бешта хотини бўлган. Нурхон ҳали эсини танимай, онани вафот этади. Шу сабабли у ўғай оналар қўлида тарбия топади.

Ёшлик пайтида Нурхоннинг қўшиғу рақсларида бетакор истеъдод ва санъатнинг салоҳияти қирралари кўзга ташлана бошлаган эди. У келгусида катта санъаткор бўлиб етилишни орзу қиларди. Нурхоннинг санъат йўлини танлашига оиласидаги муҳит ва ўша даврда аёлларга нисбатан нотўғри муносабатлар гоё бўлар, лекин шунга қарамай у ўз сўзида туриб олган, санъат йўлидан қайтмасликка аҳд қилган эди...

1928 йилда унинг Самарқанддаги катта опаси Бегимхон Комилвананикага бориши ҳақида туб бурилиш ясади. Бу азим шаҳарда Нурхонга истеъдодли санъат даргалари Муҳиддин қори Ёқубов ҳамда поччаси Уста Олим Комилов, Тамарахонимлар устозлик қиладилар.

Шу йилда Нурхон М.Қориеқубов раҳбарлигидаги концерт-этнографик ансамблида раққоса сифатида ижодий фаолиятини бошлади. 1928 йилнинг 8 март куни паранжи ташлаш тadbиридида биринчилардан бўлиб бунга жазм этиб, ўзбек аёллари ичиди илк бор сахна томошаларида иштирок этади. Нурхоннинг ўзбек аёллари орасида биринчилардан бўлиб паранжи ташлагани ва сахнага чиққани дин уламоларининг қаҳр-ғазабини кўзгатган. Натижада Марғилон шаҳар мингбошиси ва мулла Камол Ғиёсовлар уни ўлимга ҳукм қилишади. Ҳукм ижро этилишини таъминлашни унинг отаси Йўлдошхўжага юқлаб, Қурьон қитобига қўлини қўйган ҳолда бунини бажаришга қасам ичиришади...

Йўлдошхўжа ўз навбатида ушбу топшириқни бажаришни ўғли Солиххўжага буюради. 1929 йилнинг 1 июль куни Нурхон Марғилон шаҳрига гастроль сафари билан келади. Ўз оила аъзоларини соғинган қиз уйдагилардан хабар олишга ошиқади. Уйда уни илик қутиб олган аммаси, Нурхонни ўлдиршга шай турган ўғай акаси Солиххўжа турган хонага киришини сўрайди. Қиз хонага кириши билан Солиххўжа уни ваҳшийларча сўйиб ўлдирди.

2 июль куни Марғилон шаҳар марказидаги майдонда Нурхоннинг дафн маросими ўтказилди. Унга шаҳар ва унинг атрофида яшовчи минглаб одамлар йиғилишади. Маросим жаҳолатга қарши катта митингга айланади. Нурхоннинг ўлимига жавобан қўлаб



марғилонлик аёллар паранжиларини гулханга ташлайдилар.

Суд залида ўғай ака Солиххўжа бу қотиллик отасининг буйруғи ва маҳаллий иғвогарлар тўхмати сабабли амалга оширилганини айтади. Қотилликка бош қўшган Нурхоннинг отаси ва акаси ўлим жазоси берилиб, аммаси ва Нурхонни ўлимга ҳукм қилган дин уламолари қамоққа ташланади.

Ёш санъаткор ўлимидан сўнг номини абадийлаштириш, аёлларнинг озоликка чиқиш йўлида кўрсатган жасоратини унутмаслик учун академик Комил Яшин томонидан "Нурхон" мусиқали драмаси яратилади. 1968 йилда Марғилон шаҳридаги маданият уйи олдида ҳайкалтарош Валентин Клебанов томонидан тайёрланган Нурхоннинг ҳайкали ўрнатилади. Фарғона шаҳрининг энг катта кинотеатрига Нурхон номи берилди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари бир тузумдан иккинчиси га ўтиш жараёнида Ўзбекистонда бошбошқоқлик, рэкетчилар фаолияти пайдо бўлиши билан бир қаторда диний экстремистик элементлар бош қўтаришга ҳаракат қилган 1992 йилларда Нурхоннинг Марғилон шаҳридаги ҳайкали бир гуруҳ оломон томонидан бузиб ташланади. Ёш қизнинг жонига қасд қилганлар жазосини олишган бўлса-да, унинг ҳайкалини яқсон қилган кимсалар жавобгарликдан қутулиб қолишган. Келажакда Марғилон шаҳридаги майдонлардан бирида санъат йўлида жонини фидо қилган Нурхон Йўлдошхўжаевга олдин-тисидан ҳам кўркамроқ ҳайкал ўрнатилишига умид қиламиз.

ҒАЛИЖОНОВ,
Марғилон шаҳар тарихий
музейи мудири

Музейда

Ноёб
экспонатлар
жамланмаси


Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейининг тарих бўлимидаги осори-атиқалар кишини беихтиёр ўтмиш сари етаклайди. Музей ташриф буюрувчилар эътиборини тортадиган экспонатларга жуда бой. Хусусан, XIX аср охирига оид жиҳозлар жамланмаси алоҳида аҳамиятлидир. У дастлаб вилоят ҳарбий губернаторининг иш кабинетини беазагон бўлса, октябрь тўнгарилишидан кейин драма труппа сахнасида фон вазифасини ўтаган. Иккинчи жаҳон уруш йилларидан кейин вилоят мамурияти биносидан

узқоқ муддат фойдаланилган. Ниҳоят 1990 йилда мамурият қарори билан музейга топширилган. Ушбу жамланма вилоят генерал губернатори буюртмасига асосан Европада мумтоз усулда, эман дарахтидан юксак маҳорат, эстетик дид билан ишланган. Улардаги зооморфик, антроморфик шакллар инсонни лол қолдиради. Мураккаб меъморий шакллар ва ўймакорлик ишлари Европанинг мумтоз бюрократик усулини ўзида акс эттирган. Мебели безашда турли мавзулар асос қилиб

олинган, қадимий кўриниш ва антроморф, зооморф, яъни шер, илон, аждаҳо бошлари, ўсимлик ва мураккаб геометрик каби шакллари кўриш мумкин.

Афсуски, музейга мебелнинг тўлиқ мажмуаси келтирилмаган. Умид қиламизки, келажақда ушбу тўпламнинг қолган қисмлари ҳам экспонатларимиз қаторидан жой олади.

Ж.ТОЙБОЛАЕВ,
Р.ҚУРБОНОВ,
музей ходимлари



Мангу жасорат

Сариосиё
воқеалари

2000 йилнинг июль-август ойларида Сурхондарё вилоятининг Сариосиё ва Узун туманларида рўй берган воқеалар ҳанузгача юртдошларимиз ёдидан кўтарилмаган бўлса керак. Ушанда бир гуруҳ жангарилар Тожикистон орқали Ўзбекистон чегарасини бузиб ўтиб, ўртада қонли тўқнашувлар юз берганди. Икки ойча давом этган жангларда ватанимизнинг бир қанча мард, довюрак йигитлари қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Уша машғум кунларга ғувоҳ бўлган Сариосиё тумани 1926 йилнинг 29 сентябрида ташкил топган. У 1962 йил 24 декабрда Денов туманига қўшиб юборилиб, 1964 йилнинг 22 февралда қайтадан тузилади. Туман маркази – Сариосиё шаҳарчаси Термиздан 180 км. шимолда жойлашган. Маҳаллий топонимистлар фикрича, туман номи “сар – бош ва осие – тегирмон”, яъни “тегирмон боши” деган маънони англатади. Чунки Сариосиёда саноат, транспорт, алоқа корхоналари, деҳқон бозори, савдо маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жуда кўп бўлган.



2000 йилнинг августида эса Ўзбекистон сарҳадига халқаро террорчилар тўдаси ҳужум уюшгирди. Фақат кечаси ҳужум қилинганга боис уларнинг мурдалари турли дарахт, арчазорлар тагида қолиб кетган. Террорчилар ёнидан ҳар хил жиҳозга бошловчи китоблар, шиорлар, жанг қилиш усуллари, диний шеърлар чиққан. Ён дафтарчалардан бирида эса шундай сўзлар ёзилган эди: “Жиҳод бу – ҳаёт, жиҳод бу – вужуд ва тақдир, ўлимни истасангиз абадийсиз”.

Халқимизда бир нақл бор: “Кимки бизнинг уйга қилич билан ташриф буюрса, қилич билан қарши олинади”. Бу жангда мудофаачиларимиз тезкор жасорат кўрсатдилар, аммо талофатлар сони ҳам кўп бўлди. Улар ватанини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлишди. Шундайлардан бири орзулари юрагидега кетган катта сержант Хайриддин Холбоевдир. У ўшанда 21 ёшда эди. Яъни айнан ўт-олов, гайратли, орзулари бисёр, қувейлик сарполарини кийишга бир қадам қолган, тўйи бўлиш арафасида турган йигит эди. Хайриддин ҳарбий бўлишни болагидан орзу қилган. Иккинчи жаҳон урушида қатнашган бобоси Кетмас отадан жанг усуллари ўрганган. Онаси Гулсимбиби уни шундай хотирлайди: “Бағримизга охириги марта 2000 йилнинг июль ойи келди. Сентябрь ойида тўй ўтказмоқчи эдик. У доим тўйимга Хуриш Расуловни олиб келамиз” дерди. Ҳарбий аскаримиз жасоратини ҳукуматимиз ҳам алоҳида эътироф этиб, у “Жасорат” медали ва турли мукофотлар билан тақдирланган.

Бир сўз билан айтганда, йиллар, даврлар ўтар, авлодлар алмашар, лекин юрт тинчлиги, миллат эрки учун ёш умрини ёвга қалқон қилган жўмардлар номи барҳаётдир.

Мадинахон ХАМИДУЛЛАЕВА,
Наманган вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи ходими

Хунардан унар

Ўзбек халқи қадимдан нафосатга бой, асрлар давомида шаклланган ва сайқал топган халқ амалий санъати билан бутун дунёга машҳурдир. Жумладан, ноёб ва нафис ҳисобланган сават тўқиш санъати билан ҳам...

Сават тўқиш санъати

Сават тўқиш ўзбек халқининг азалий хунари бўлиб, ота-боболаримиз қадимдан томорқа ва ҳовли атрофларини шох-шаббалардан қилинган маҳсуслар тўсиқ – қўралар билан ўраб келишган. Ҳар хил новдалардан турли-туман саватлар тўқишган. Улар шакли ва ишлатилиш жойига қараб номланган. Масалан, кажави сават, нон сават, элама сават, қошиқдон сават, гулдор сават, дастурхон сават, тўр сават, узум сават, босма сават ва бошқалар.

Қадимдан сават тўқувчиларнинг маҳсуслар дўкони бўлган. У ерда ҳар хил ҳажмдаги саватлар турли мақсадларда сотиб олинган. Йирик новдалардан тўқилган саватлар қадимдан қурилишда туспроқ, тош, ганч, қум, ғишт ташишларда ишлатилиб келинган. Нозик новдалардан тўқилганлари эса мева-чева, нон ва бошқа нарсаларни солишга мўлжалланган. Кажави саватлар – қадимий сават турларидан бўлиб, ўз шакли ва ҳажмига эга. Улар қадимдан бўза, ёғ, шарбат каби суюқликлар сақланадиган чирпиги шишалар учун тўқилган. Гулдор сават – гулга ўхшаб тут, терак, тол ва бошқаларнинг новдаларидан тўқилган. Бу турдаги саватлар қадимдан ривожланиб келаётган бўлиб, уни тўқиш усули жуда қийин. Шу боис бу иш билан жуда кам одамлар шугулланишган. Уларга нон сават, кажави сават, қошиқдон сават, элама сават ва бошқалар кирди.

Қадимдан сават тўқишда тут, терак, тол, туранил, юлғун новдалари бугдойпоя, қамиш ва бошқа материаллар ишлатиб келинган. Айниқса, қора тол новдасидан тўқилган саватлар жуда чидамли ҳисобланган. Улар терак, мажнунтол, туранил, литуструм ва толнинг бир ёшли текис новдаларидан тўқилади. Бу новдалар эгилувчан ҳамда чидамлидир. Сават тўқиш учун новдаларни қирқиб олишнинг муддати ва ўзига хос сақлаш технологияси бор. Аввалига сентябрь-октябрь ойларида чивиклар йиғиб олинади. Чунки шу ойларда чивиклар яхши пишиб етилган, чидамлилиги яхши бўлади. Улар қирқиб келингач салқин жойда сақланади. Мустаҳкамлигини ошириш учун вақти-вақти билан сув сепиб турилади. Шунда чивиклар яхши букилиб, синмайди бўлган. Ҳозир бу соҳа мутахассислари жуда камайиб кетган. Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятларида бармоқ билан санокли усталар бор. Улар халқимизнинг қадимий



хунари, анъаналарини давом эттириб келишмоқда.

Шундай усталардан бири қўқонлик Ашурбиди Ботировадир. У тўқиган ажойиб саватлар халққа манзур келган. А.Ботирова 1961 йилда туғилиб, ёшлик пайтида нозик сават тўқиш хунарини отасидан ўрганган. Сават тўқишнинг ҳам ўзига хос технологияси бор. У кўринишидан осондек кўринади, лекин ўзига хос йўли ва усуллари бор. У одамдан юқори дид ва пухта тайёргарлик ҳамда маҳорат талаб қилади. Ашурбиди Ботирова Фарғонадаги бошқа сават тўқувчи усталардан фарқ қилади. У нон сават, дастурхон сават сингари каттароқ, рўзғорбоп буюмларни йирик новдалардан сийракроқ қилиб тўқиб, баъзи жойларда ўрама усуллардан фойдаланган. Майда саватлар, яъни гул сават, чок сават, човли ва бошқаларни мустаҳкам, нозик, майда чивиклардан зич қилиб тўқиган. Унинг ижод маҳсуллари кўпгина шаҳарларда “Бадий салон” дўконларида катта талаб билан харид қилинган.

Ўзбекистонда сават тўқиш санъатини ривожлантириш учун барча имкониятлар бор. Тажрибали саватчилар фаолиятига эътибор қаратилиб, ижодий йўналишларини тарғиб этиш кучаймоқда.

Ҳозирги кунда ҳам Фарғонада ажол



йиб саватлар тўқийдиган хунармандлар бор. Бугун сизларни улардан бири билан таништирамиз.

Фарғона вилоятининг Кува туманида истиқомат қилувчи Шерзод Мирзаев бир неча йиллардан буён сават тўқиш билан шугулланади. Унинг қўл меҳнати жуда кўп хонадонларга кириб борган десак муболаға бўлмайди. Тўқима саватлар бежирим, табиий маҳсулот бўлиб, айлани пайтда фойдаланиш учун қулай ва нархи арзондир. Одамлар қадимдан бу турдаги уй анжомларини қадрлашади. Улар мустаҳкамлиги боис бир неча авлодга хизмат қилади.

Тол дарахтининг сараланган новдаларини дошқозонда қайнатиб, сўнг уларни офтобда қуришти, кейин бежирим саватлар тўқиш устага катта завқ бағишлайди. У яратган катта-кичик, пишиқ, рўзғорбоп, шунингдек, совғабоп саватлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди.

Отамерос хунари билан рўзғор тебратётган Шерзодбек қишлоғидаги кўллаб ёшларни шогирдликка олган. Ишни самарали ташкил қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бу ерга ташриф буюрган одам эстетик завқ олади, кайфияти кўтарилади. Нафис, ўзига хос, экологик тоза ва енгил тўқима уй анжомлари хонага қулайлик ва қўрқ бахш этади. Ушбу саватлар нафақат юртимиз аҳолиси, балки хорижликларда ҳам катта қизиқиш уйғотган. Хунарманд яратган маҳсулотлар чет элларда ўтказиладиган турли кўргазмалар тўридан ўрин олади.

Ҳа, бир қарашда сават тўқиш осон ишдек туюлади. Аслида бу хунарни эгаллаш учун катта қизиқиш керак. Ҳар бир детални ўрнига қўйиш эса катта эътибор ва сабр талаб қилади. Халқимиз қадрлайдиган бундай саватларнинг бетакрор кўринишига қўл меҳнати ҳақида эришилади. Тўқувчи талаб этиладиган хомашени маҳаллий хонадонлардан харид қилади, айрим новдаларни эса ўзи ўстиради.

Шерзод Мирзаевнинг олдида қўйган мақсадлари улкан. У яқин келажақда ишлаб чиқаришни янада кенгайтириб, соҳага қизиққан ёшлар сонини кўпайтиришни режалаштирмоқда.

У.АХМЕДОВА,

Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи сектор мудири

Расмий хабар

20 июлдан
тўйхоналар
фаолиятига
чеклов
киритилди

Яқинда тегишли соҳага масъул ташкилотлар таклифига кўра, Республика махсус комиссияси қарорига биноан ҳозир йил 20 июлдан юрти-миздаги умумий овқатланиш объекти-лари – ресторан, кафе, ошхона ва чойхоналарни соат 8:00 дан 20:00 га-ча фақатгина очиқ ҳавода ишлашига (меҳмонхоналарда ташкил этилган ресторан ва кафе-лар бундан мустас-


но) рухсат берилган эди.

ССВ хабарига кўра, яна бир ки-ритилган ўзгаришга кўра, шу йил 20 июлдан агар тўйхоналар (ресторан-лар)да оилавий тантана, тўй, маъ-рака ва маросимларни очиқ ҳавода ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя этган ҳолда 50 кишидан кўп бўлмаган (яқин қариндошлар

ва ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи бошқа қариндошлар) шар-ти билан ўтказиш мумкин.

Умумий овқатланиш объекти-лари – ресторан ва ошхонада тайёрлан-ган таомларни етказиб бериш хиз-мати (кейтеринг) билан фақат соат 8:00 дан 23:00 гача бўлган вақтларда шуғулланишларига рухсат бери-лади.

Маънавий сабоқлари



Яхшилик қил сувга сол...

Одатдаги иш кунларининг бири-да тушлик пайти ҳамкасблар билан суҳбатимиз яхшилик ҳақида бўлди.

– Бугунги кунда беминнат ях-шилик қиладиган одамни топиб бўлмай қолди, – деди дугонам Ма-дина. Унинг гапни маъқуллаб, Саи-да қўшимча қилди, – тўғри, кимга яхшилик қилишни ҳам билиш керак. Яхшилик қилиб, ўрнига ёмонлик би-лан жавоб оласан.

– Яхшилик қилиб яшайдиган одамларни кундузи қироқ ёқиб топиб бўлмайди ҳозир, – деди Назокат опа.

– Йўқ, пайғамбаримизнинг ҳа-дислари бор, одамзодни қиёматгача яхшилик асрайди, бировга ҳатто бил-дирмай яхшилик қиладиган инсон-лар ҳам бор орамизда. Мен ундайлар-ни биламан. Кейин, нима, яхшилик-ни қайтсин деб қиладими? Ахир ях-шилик ҳақида ўйлашнинг ўзи савоб-ку? – дейман уларнинг фикрига но-рози оҳангда.

– Феруза, ҳаёт, одамлар сиз ўйла-ганчалик эмас, чунки ҳозир бир қориндан талашиб тушган жи-гарлар бир-бирига яхшиликни қарзга қилади-ку, бегона қандай қайтмаслигини билсада яхшилик қилсин, яна бировга билдирмай-я, ишонмайман – дея ўз фикрини синг-диришга ҳаракат қилади Назокат опа.

Доимгидек, уларга осонгина енгил-иб кўйгим келмайдди. Чунки мен ана шундай яхшиликни ҳаёти шиори-га айлантирган ҳазрати инсонларни биламан. Уларнинг фикрича, орамиз-да беминнат яхшилик қиладиган ин-сонлар гўёки “анқонинг уруғи” бўлиб бораётган бир пайтда бу сўзни айтиш бироз эриш тузулар эмиш. Йўқ, асло ундай эмас. Инсон ҳаёти давомида бири кўриб фикр қиларкан, бири кўриб шукр қиларкан.

– Уша пайтлари Андижон теле-видениесида маънавий-маърифий кўрсатувлар муҳаррири эдим. Газе-тада ишловчи бир ҳамкасбим, “Фе-руза, мен бир зўр ижобий қаҳрамон топдим, фақат у ўзи ҳақида газете-га ёзишни истамайди. Балки, сиз шу инсон ҳақида телекўрсатув тайёр-ларсиз?” – деб қолди. Бир неча кун у одам ҳақида журналистик сўров ўтказдим. Тадқиқотларим шуни кўрсатдики, ҳаётий шиори одамлар-га яхшилик қилиш, бир кун бировга эзгу-савоб иш қилмаса, ухоломай-диган, ҳаммани ҳизрдек ардоқли

кўрадиган қаҳрамоним жуда содда, самимий, оддий инсон экан.

Мақсадимни эшитгач, – синглим, “яхшилик қил сувга сол балиқ би-лар, балиқ билмаса, Ҳолиқ билар” – деган нақлнинг асл маъносини би-ласизми, деб қолди. Ҳайрон бўлиб елка қисдим. Унда эшитинг, дея хикоясини бошлади қаҳрамоним.

Ривоят қилишларича, бир одил подшоҳнинг яккаю ёлғиз ўғли ниҳоятда эрка бўлиб ўсибди. Кунлар-дан бир кун шаҳзода кўнгли кемада сайр қилишни тусаб қолганини бил-дирибди. Ҳаво булутли бўлганлиги сабаб бундай об-ҳавода сайрга чиқиш хавфли эканини айтган мулозимлар балога қолишибди, эрка шаҳзода ўз билганидан қолмабди. Бир пайт денгизда кучли шамол кўтарилиб, қирғоқдан анча илгарилар кетган кема сувга ғарқ бўлибди. Тақдирни қарангки, шаҳзода сувда сузиб, на-риги қирғоққа аранг етиб олибди ва ҳушини йўқотибди. Ўзига келгач ке-ма бутунлай йўқолгани, ҳамроҳлари эса ҳалок бўлганлигини билибди. Ке-ма тақдирдан огоҳ бўлган подшоҳ шаҳзода ва ҳамроҳларини топа ол-магач улар учун аза очибди. Шун-дай кунларнинг бирида ўша юрт-нинг қарангки, шаҳзода бу сининг тагига етишларини буюрибди. Му-лозимлар қирғоқда ўтин териб ти-риқчилик қилувчи чолдан бўлак ҳеч кимни топа олишмабди. Вокеедан ха-бардор бўлган қария, ҳар кун икки-ла нонни белига боғлаб ўтин тергани кетишини, тушлик пайти битта нон-ни ўзи еб, иккинчисини балиқларга деб сувга ташлашини, бу иши охи-ратга савоб учун эканлигини айтиб-ди. Шоҳ унинг сўзларидан таъсирла-ниб, саҳий чолни сийлабди. Бемин-нат яхшилиги учун саройга боғбон қилиб ишга олибди.

Халқимизда “яхшилик қил сув-га сол балиқ билар, балиқ билмаса, Ҳолиқ (Худо) билар” – деган нақл шунга айтилган экан. Чунки яхши-

лик, эзгу ва савоб ишлар ҳеч қачон муқофотсиз қолмайди. Аслида бир кўлинг билан берганинг иккин-чиси сезмасин, дейдилар. Синглим, яхшилик қилиш менга куч, қайфият, ризқ, барака ҳамма-ҳаммасини бера-ди. Бу ҳақида мақтанишни эса ҳуш кўрмайман, деди сокингина.

Фақатгина ўзини ўйламай бош-қаларга ҳам осон бўлсин деб ўз ҳисо-бидан неча километрдан ичимлик суви келтирган, ёзда чанг, қишда лой бўладиган маҳалла кўчаларини ас-фальт қилдирган, кимнингдир Рос-сияда қолган бемор ўғлининг юрт-га қайтишига кўмаклашган, кун-дузими-кечасими кўзи ёрийдиган келиндан тортиб, хаста чақалоғу қарияларга шахсий автомашинасида доим беминнат хизмат қилган, кўли юпқа қўшниллар фарзандига хатна тўйлар ўтказиб бериш орқали чек-сиз савоб олган, янги рўзгор қилган ёш оилага моддий ва маънавий ёрдам қўлини чўзган бундай инсонни бежиз Ҳизрга қиёсламаганликларини энди тушунадим.

Ҳаётий фаолиятингиз кимлар учундир ибрат бўлармиди – деган сўнгги илинжимга – эҳ, синглим, ях-шилик айтилмайди, ўргатилмайди, миннат қилинмайди, йўқса унинг савоби йўқолади – деб ниятини айт-ди ва қачон, кимга ёрдам керак бўлса, бемалол мурожаат қилишим мум-кинлигини билдирди.

Шу ваъда сабаб бу инсонга фаоли-ятим давомида бир неча бор тўқнаш келдим. Фарзанди ўқиши учун шарт-нома пулини тўлолмаётган бир ҳамкасбимнинг бева опасини юбор-дим. Муаммоси бир кунда ҳал бўлган аёл бутун оиласи билан менга раҳмат айтгани келибди.

Кейин мени ишхонага бир аёл йўқлаб келди. Юраги хаста ёлғиз ўғлининг операцияси учун хориж би-лан келишгани, аммо борди-келди-га холис ёрдам берадиган одам топол-маётганини айтиб, кўз ёш тўқиди. Мен яна ўша халоскорга мурожаат қилдим. Ҳужжатлари билан келсин – деди. Бу масалани ҳам ижобий ҳал этди.

Оилавий шароити ноқор, ноги-рон эр ва фарзанд, турмушдан аж-раган қиз ва набирани фаррошлик қилиб боқаётган бир оила ҳақида кўрсатув тайёрладим. У эфирга кетган кунинг эртаси ташқарида мени кимдир йўқлаётганини ай-

тишди. Чиксам, ўша таниш чехра. Кўрсатувим таъсирли чиққани ва бунинг учун раҳмат айтгани келиб-ди. Сўнг мендан ўша хонадонга би-рга бориб келишимни сўради. Маши-нага ўтириб, ҳайратдан ёқа ушла-дим. Бир рўзгор учун нимаики ке-рак бўлса, ҳаммаси бор: гилам, ётоқ жамланмаса, челақ, қозон, капгир, озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб ун-туручгача. Қайтар чоғимиз хо-надон бекасига бир даста пул тутқазиб, агар бирор муаммога дуч келсангиз, бемалол мурожаат қилинг – дея таш-риф қорозини тутқазди. Кўз ёшлар-и юзини ювган аёл то машинанинг қораси йўқолгунча дуо қилиб қолди.

Яна бир воқеа. Олий ўқув юртла-ридан бирининг раҳбари ҳузурда эканимда бир гуруҳ талабалар шарт-нома пулини тўлолмагани сабаб ўқишдан четлатилган курсдошлар-ига ёрдам бермоқчи эканликларини айтиб келишди. Отасиз ўсган қиз ўз кучи билан (маълум балл етмага-ни сабаб шартнома асосида) ўқишга қиради. Уч йил давомида тўлов пу-лини амаллаган ака автохолокат ту-файли тўшакка михланиб қолади. Тўлов учун бошқа нажот йўқ. Тала-ба қизининг курсдошлари ўзаро кели-шиб, ўз стипендиялари ва жамгарган пуллари асосида шартнома пулини тўламоқчи эканликларини билди-риб, раҳбариятдан рухсат олмоқчи эканлар. Уларнинг бир фикри ме-ни ҳайратга солди, – у қиз уч йил биз билан бирга ўқиди, талабалик-нинг қувончли кунларини бирга кўрдик. Энди шундай кунда унга яхшилик қилмай қараб турсак адо-латдан бўлмас. Биз курсдошимиз-га ихтиёрий равишда ёрдам қўлини чўзмоқчимиз. Чунки у бунга арзийди.

Уларни тинглаб туриб ичимда ғалаён кўтарилди. Яхшилик қилиш бил ва жинс, жой ва сабаб танламас экан-да? – Қанчалар ахшисан, ЯХ-ШИЛИК – дея хайқиргим келди.

Бугун орамизда сизу бизга бил-дирмай, ҳеч қандай манфаат кут-май яхшилик қиладиган инсонлар бор. Мен озгинагина яхшилигини кўз-кўз қилиб жар солаётган, ях-шилик қилган одамни ўзига тобе қилиб олган, яхшилигини манфа-атга алмаштирган, мурувват уйла-рига, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бердим, деб телеви-зорга чиқиб мақтанганлар, мактабга

бориб боқувчисини йўқотганларга кўмаклашамиз деб синфдошлар ора-сида болаларнинг изза бўлишига са-бабчилар ҳақида гапирмадим. Чун-ки бундайларга сиз ҳам кўп бо-ра тўқнаш келгансиз. Улар яхши-ликни кимгадир билдириб қўйиш, ҳисобот кўрсатиш, ўзини саҳоват-пеша дейишлари ва манфаат учун-гина қиладилар. Ахир, инсон ҳаёти муқаддас, шаъни улуг, гурури азиз эмасми? Бизлар билиб-билмай уни топтаб қўймаймизми?

Эсимда, ўқувчилик йилларим ота-си вафот этган, онаси фаррош бир синфдошимизга ҳомийлар келиб, “Биз шароити оғир ва етим болалар-га совға бермоқчимиз” – деб, ўша синфдошимизни тургазиб, бир пой-поябзал беришганди. Ўшанда синф-дошимиз “Мен ялангоёқ қолганим йўқ, ўзимники бор, йўқ бўлса ҳам ме-нинг онам ҳаёт, оёқ қийим олиб бе-ришга қурбй етади”, деб йиллаган ва синфдан югурганча чиқиб кетган-ди. Ва бир ойларча мактабга келмай қўйганди. Чунки у синфдошлари ора-сида изза бўлишдан, айримларнинг маскаралашидан уялган. Ҳомийлик қилиш, кўнгли ярим инсонларга му-рувват кўрсатиш – яхши, аммо бу бировларнинг кўнглини синдириб қўйиш эвазига бўлмаслиги керак-ку? Наҳотки, яхшилик айтиб, мактаниб, овоза қилиниш шарт?!

Бир инсонни биламан, ҳар йи-ли муборак Рамазон ойида шароити оғир оилаларга ярим кечаси биров-га билдирмаслик шарти билан озиқ-овқат маҳсулотлари киратади, даро-мади закотини таркатади. Бу ҳақида эса ҳеч кимга, ҳатто оиласидошларга ҳам билдирмайди. Улар яхшиликни биров билиши учун қилмайдди. Шун-га айтсалар керак-да, “Қилиннинг кучи етмаган дунёга меҳрининг кучи етади” – деб. Қалбида меҳр де-ган муқаддас туйғу бўлган, яхши-ликни ҳаётининг шиориға айлан-тирган, ўзгаларга яхшилик соғиниб яшаш соадатига эга инсонлар борли-ги учун ҳам ҳаётимиз ўз мувозана-тини сақлаб туради. Ўша беминнат яхшилик қилувчиларга эса биз ҳар доим ҳам эътибор қилавермаймиз ёки баъзан сезмай қоламиз. Улар жимгина, доншмандона ҳаёт кечи-риб, тирикчилигдаёқ одамлар ораси-да ўзларига ҳаққал қўйиб кетадилар.

Феруза ОРИПОВА

Топилмалар

Ноёб Бактрия гиламлари



Биламизки, археологик топилмалар мазидан сўзлайди. Улар ўтмишда аждодларимизнинг қандай кун кечиргани, уларнинг дунёқараши, маданият даражасини ўрганиш имкониятини беради.

“Ўзбекистоннинг маданий мероси Мўғулистон тўпламларида” нашри саҳифаларида Мўғулистон – Тибет қўшма экспедицияси доирасида

Мўғулистон шимолидаги Ноин – Ули тоғларида олиб борилган изланишлар натижасида топилган ноёб Бактрия гиламлари намойиш этилади. Ушбу топилмалар бизнинг асримизгача сақланиб қолгани чин мўъжизадир.

Изланишлар 1924-1925 йилларда таникли рус сайёҳи ва тадқиқотчиси П.К.Козлов раҳбарлигида олиб берилган.

Минтақа аҳолисининг қўғонлари кўлаб ҳокимият қўчилиши ва турли хил бадий анъаналарнинг, шу жумладан, Ўрта Осиё халқларининг ўзаро таъсирдан далолат берувчи моддий маданият ёдгорликларини ўрганиш имконини яратди, дея хабар қилмоқда “Ўзбекистон маданий мероси лойиҳаси” телеграм каналидаги ўз саҳифаларида.

Тарих саҳифаларида

Ўтпор ўзбеклари тожиклар каби Ўрта Осиёнинг энг қадимий халқларидан биридир. Улар Амударё ва Сирдарё оралигидаги Ўрта Осиё ҳудудиде яшаган бактрийлар, сўғд ва хоразмийлар авлодидир. Ўрта асрлардаги ёзма манбаларда Мовароуннахрнинг асосий аҳолисини тавсифлаш учун одатда турк ва тожик атамасидан фойдаланилган. Ва бу билан Ўрта Осиёдаги иккита асосий этник бирикмага алоҳида уруғ берилди. Шунингдек, улар қаторида асрлар давомида шаклланиб келган турли этник қатламлар таъкидланган.

Ўзбек дейман номим сўрсалар...

Илк ёзма маълумотларга, шунингдек, археологик ва антропологик материалларга асосланиб шунини айтиш мумкинки, бактрийликлар, сўғдлар, хоразмийлар, фарғоналиклар ва қанғуйлар ўзбек эланининг таркиби топишида дастлабки асосий этник қатлам бўлишган. Кейинчалик турли даврларда Мовароуннахрга кўчиб келган қабилалар янги қатлам бўлиб қўшилишган. XI-XII асрларда таркиб топган ўзбек элатига ҳам кейинчалик янги қатламлар келиб қўшилди. Бу даврда кўплаб турк, мўғул қабилалари, шу жумладан, XVI аср бошларида Шайбонийхон бошчилигида дашти қипчоқдан кўчиб келган қабилалар ўзбек элати таркибига кирган энг муҳим қатламлардандир. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида турли даврларда бошқа элатлардан юнонлар, араблар, мўғуллар ҳам яшаган. Улар маҳаллий аҳоли билан қўшилиб, аста-секин сингишиб кетган. XVI асрдан бошлаб қорақалпоқлар, қозоқлар, туркман ва қирғизлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб, баъзан эса маҳаллий аҳоли билан қўшилиб яшашган. Асрлар давомида турли халқлар вакиллари ўзаро иқтисодий, маданий алоқаларда бўлиб келишган.

XVI аср бошларида Мовароуннахрга кўчиб келган турк, мўғул қабилалари ўзбек номини олишди. Кейинчалик бу ном этник аҳамият касб эта бошлади. Аммо бундан ўзбеклар элат сифатида XVI аср бошларидагина шаклланиб деган маъно келиб чиқмайди. Халқ тарихи унинг номидан қадимийроқ бўлишини



таъкидловчи бошқа кўпгина мисолларни келтириш мумкин. Шулардан бири Мовароуннахрдир. Ҳозирги Ўзбекистон ерларида ўзбеклар деб аталган аҳоли жуда қадим замонлардан яшаган. XIII асрнинг 80-йиллари, XIV аср бошларида ўзбек атамаси дашти қипчоқнинг турк, мўғул кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолисининг умумий номи сифатида араб ва форс тилларидаги асарларда қўлланила бошлаган. Ўзбек этнонимининг келиб чиқиши ва моҳияти ҳусусида турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар ушбу атама келиб чиқишини Олтин Ўрданинг машҳур ҳокими Ўзбекхон билан боғлайдилар. Бошқа бирлари эса ўзбек атамасини дашти қипчоқнинг шарқий қисмида вужудга келган ва бу ерда яшовчи турк, мўғул қабилаларига нисбатан қўлланилган деб ҳисоблайдилар. Учинчи гуруҳ тадқиқотчилари дашти қипчоқдаги турк, мўғул аҳолиси учун умумий ном ўзбек атамаси XIII асрнинг охиригача рағида, яъни Ўзбекхондан кейин

вужудга келган дейишади. Аммо деярли ҳаммасининг фикрига кўра, XVI аср бошларида дашти қипчоқнинг Мовароуннахрга кўчиб келган турк, мўғул қабилаларининг бир қисми бора-бора маҳаллий турк қабиласи билан биришиб, турк аҳолиси таркибига сўнгги асосий қатлам бўлиб қўшилиди. Шу билан бирга уларга ўз номини бериб, ўзбеклар деб атаб бошлашди.

Аста-секин Шимолдан келган кўчманчи қабилалар ҳам ўтроқлашса боради. Улар дастлабки йилларданок Самарқанд, Бухоро ва Ўрта Осиёдаги бошқа марказлар аҳолиси сингари кўчманчи эллар билан ва шайбонийларнинг янги ҳукмрон сулоласи вакиллари сифатида тилга олинади. Аммо кўчиб келган қабилаларнинг бир қисми анча вақтгача кўчманчи ва ярим кўчманчилик турмуш тарзини тарқатмайдилар. Кўчманчиларнинг қишлоқ деб аталадиган аввалги қишлоқ манзилгоҳлари аста-секин доимий иқтисомат жойига айланади.

Шундай жойлар ўтроқлашган қабилалар номи билан атала бошлади. Кўнғирок, Нағип, Қипчоқ, Дўрмон ва шу сингари аҳоли яшайдиган жойлар номи ана шу тарихга келиб чиққан. Кейинчалик сиёсий вазият иқтисодий-ижтимоий омиллар ва ташқи сиёсат соҳасидаги катта воқеалар этник тарихга катта таъсир кўрсатди. XVII аср охири ва XVIII асрнинг биринчи ярмида ҳозирга Ўзбекистон ҳудудида сиёсий парокандалик авж олди. Ички урушлар мамлакат сиёсатида ҳалокатли зарба берди. Ирригация иншоотлари вайрон бўлиб, айрим вилоятлар: Самарқанд, Бухоро, Хива сингари йирик маданий марказлар хувилаб қолди, натижада айрим ерли аҳоли тинчроқ жойларга кўчиб кета бошлади. Буларнинг ҳаммаси этник ривожланиш жараёнига салбий таъсир кўрсатди. Ҳўжалик ва этник маданий алоқалар бузилди.

Шу даврда Ўрта Осиё ҳудудида яшаган халқлар ҳаётига 1720 йилдан 1758 йилгача ҳукмронлик қилган Жунғория давлати кўчманчиларининг бостириб кириши кучли таъсир кўрсатди. Бу дав

латнинг асосий аҳолиси уйғурлар ва қирғизлардан иборат эди. Ўрта Осиёлик тадқиқотчилар, кейинчалик эса россиялик тарихчилар уларни қалмиқлар деб аташади. Қалмиқлар келиши билан қозоқлар, қирғиз ва қорақалпоқлар ўз ерларидан оммавий тарзда қувғин қилинади. 1723 йилда жунғорлар томонидан хонавайрон қилинган бу қабилалар Сирдарёнинг қуйи оқимида, Мовароуннахрнинг марказий вилоятларига мажбуран оммавий тарзда кўчиб кела бошладилар. Эрон қўшинларининг бостириб келиши натижасида ҳам Ўрта Осиё аҳолисининг табақаланишида муайян ўзгаришлар рўй берди. Эрон подшоҳи Нодирхоннинг ҳарбий юришлари маҳаллий аҳолига кат-

кела бошлади. Хонликларда марказий ҳокимият ролини кучайтириш, эски ирригация шохобчаларини тиклаш ва янгиларини қуриш кўчманчи ва ярим кўчманчи қабилаларнинг ўтроқ турмуш тарзига ўтишларига шарт-шароит яратди. Ўтроқлик эса бутун турмуш тарзининг ўзгаришига, қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг яқинлашуви, қабилалар тарқоқлигига барҳам берилишига сабаб бўлди.

XVIII аср охири ва XIX асрнинг I чорагида этник гуруҳлар муайян қиёфага эга бўлиб, Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган давргача ўзгармай қолди. Мураккаб этник жараён шунга олиб келдики, дашти қипчоқ қабилалари аста-секин ўзбек де-



та талофат етказди. Бухоро ва Хива хонликлари аҳолиси чет эллик қўшинларга қарши мардона жанг қилган. Аммо ана шу хонликлар ва Туркменистон ҳудуди вақтинча Нодиршоҳ ҳокимияти қўлига ўтди. Бу эса оммавий кулфат келтирди ва туб аҳолини жойидан кўчишга мажбур қилди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида Нодиршоҳ вафоти ва Жунғория хонлиги барбод бўлганидан кейин ўлканинг ички сиёсий вазияти аста-секин ўзгариб, иқтисодий ҳаётни жонлантириш учун шароит вужудга келди. Мажаролар ва урушлар пайтида кўчиб кетган аҳолининг бир қисми қайтиб

ган умумий ном билан атала бошлади ва бу ном Ўрта Осиё икки оралигидаги қадимий ўтроқ турк тилида гаплашувчи аҳоли томонидан қабул қилиниб, унинг илгариги турк номи ўрнида ишлатила бошланди. Яъни ўзбеклар номи билан юритилди. XVI аср охирида Бухоро хонлигининг бутун аҳолиси турклар ва тожикларга бўлинган бўлса, кейинчалик XVII аср охирида тарихчилар уларни фақат ўзбеклар ва тожиклар номи билан атаб бошладилар.

Ў.ҲУЖАЕВА,
Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ходими



МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: “Dildosh media” МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбоҳор Худойбердиева

Тахририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1. Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кuni чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқлиниши мумкин. “Маданият” материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева
Навбатчи: Н. Содиқова
Адади - 7864 Буюртма - Г - 717
Сотувда келишилган нархда
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табок

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41. Босмахонага топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 20.30
1 2 3 4 5 6